

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

Кафедра: Миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими

КУРС ИШИ

Мавзу: Маънавият асосларини ўқитишда маънавий-маърифий
тадбирлардан фойдаланиш

Бажарди: Эшмирзаев Ж
“Миллий ғоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқий таълим” йўналиши 3-курс
38-12 гуруҳ талабаси

Илмий раҳбар: Юсупов Ш.

Гулистон -2015

**Мавзу: Маънавият асосларини ўқитишда маънавий-маърифий
тадбирлардан фойдаланиш**

МУНДАРИЖА:

I. Кириш.....	3-6
II. Асосий қисм:	
1-БОБ. МАЪНАВИЯТ, УНИНГ ЖАМИЯТ ВА ИНСОН КАМОЛОТИДА ТУТГАН ЎРНИ	
1-1-§. Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўлажак мутахасисни етук шахс бўлиб шаклланишига қаратилган педагогик ҳодиса.....	7-9
1.2-§. Маънавий-маърифий тарбия ишларининг вазифалари ва уларнинг олийгоҳ маънавий-маърифий ишлар блоклар бўйича фаолиятнинг йўлга қўйилиши.	10-15
2-БОБ. АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТИЗИМИ.	
2.1-§.Мазкур тизимнинг талабалар фуқаролик маданиятини шакллантиришдаги фаолият йўналишлар.....	16-24
2.2-§. Маънавий-маърифий тарбия тизимидаги блоклар фаолиятини амалга ошириш босқичлари.....	25-31
III. Хулоса.....	32-39
IV. Фойдаланилган адабиётлар.....	40-41

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки даврданок мамлакатнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга оширди.

Ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида маънавий янгиланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Маънавият инсон руҳий камолотининг муҳим мезонларидан бири сифатида миллат абадийлигини, мамлакат тараққиётининг таъминлашдаги устувор омил ҳисобланади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда 1997 йилдан бошлаб республика олий таълим тизимига «Маънавият асослари» фани киритилди. Жамият ҳаётини тубдан янгилаш борасидаги ислохотлар собитқадамлик билан тадбиқ этилаётган ҳозирги пайтда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, миллий, умуминсоний қадриятларни ёшлар онгига сингдириш ва пировард натижада маънавий баркамол комил инсонни, эркин шахсни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Мавзунинг долзарблиги: Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари фанни ўқитишдан мақсад – талаба-ёшлар онги ва қалбига миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларни сингдириш орқали уларда юксак маънавият ва маънавий қашшоқлашувнинг инсон ва жамият ҳаётидаги моҳиятини тушуниб етиш ҳамда юксак маънавиятга эга бўлиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари:

-талабалар онгига миллий маънавий қадриятларни, инсон ва жамият ҳаётида маънавиятнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепцияни талабалар онгига сингдириш;

-мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий-маънавий тикланиш борасида амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқлар, юксак маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялаш борасидаги вазифалар моҳияти-мазмунини, асосий йўналишларини талабларга етказиш асосида уларнинг бу жараёнларда фаол иштирок қилиш руҳиятини мустаҳкамлаш;

-маънавий қашшоқлашувнинг салбий оқибатлари ҳақида тегишли билимларни талабаларга етказиш ва уларда бу жараёндан огоҳ бўлиш руҳиятини шакллантириш;

-бугунги кунда жаҳонда кенг ёйилаётган “оммавий маънавият” ва турли маънавий қашшоқликка олиб келувчи оқимларнинг мақсад ва муддаоларини талабаларга етказиш, улар онги ва дунёкарашида “маънавий иммунитетни” шакллантиришдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Маънавият асослари” фанини ўрганиш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

–талаба маънавият нима эканлигини англаб етиши, маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонларни билиши, маънавий ва моддий ҳаётнинг уйғунлигини, маънавий юксалишда миллий ғоянинг ролини, маънавиятнинг жамият янгиланишида ролини, ислохотлар ҳамда уларнинг мезонларини тушунишлари ва уларни турмушда қўллай билиши лозим.

–талаба шахс ва жамиятнинг маънавий юксалиши, унинг камолоти даражаси пировард натижада миллатнинг маънавий салоҳиятини белгилашини назарда тутиб, аждодларимиз яратган беназир маънавий меросимизни ҳар тарафлама ва чуқур ўзлаштириши, унинг мазмунмоҳиятини ва ғоявий-фалсафий асосларини билишни услуб ва услубиятлари ҳақида кўникмаларга эга бўлиши керак.

- талаба ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидларни билиши, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан кураш олиб бориш лозимлиги. Инсон қалбига йўл топиш, маънавий камолот эканлигини ва мамлакат равнақи йўлида фидоийлик жасорат эканлигини англаб етиши ҳамда ғоявий курашиш усуллари ҳаётда қўллай олиши керак.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги «Маънавият асослари» фани энг аввало ўқув режасидаги гуманитар ва

ижтимоий-иқтисодий фанлар: “Ўзбекистон тарихи”, “Фалсафа”, “Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойиллари”, “Этика”, “Эстетика”, “Диншунослик”, “Маданиятшунослик”, “Педагогика”, “Сиёсатшунослик” ва бошқа фанлар ва курслар билан ўзаро боғлиқ.

Мазкур фанлар шахснинг маънавий-интеллектуал камолотида, ижтимоий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари каби масалаларда бир-бирини тўлдириб келади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни. Фан бўлажак кадрларни юксак маънавий камолот руҳида тарбиялашга ижобий таъсир ўтказади. Бу ўз навбатида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалари ривожланишида амалий аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар “Маънавият асослари” фани талаба ёшларнинг мустақил фикрлашини рағбатлантирадиган, Президент Ислам Каримов асарларини кунт билан ўқиши ва ўзлаштириши, маънавий соҳадаги масала ва муаммолар бўйича эркин фикр юритиш қobiliятини ўстирадиган янги педагогик технологиялар асосига қурилади.

Фанни ўзлаштириш мобайнида интерфаол усулларнинг турли шаклларида, замонавий электрон техника ва воситалардан, кўргазмали куроллардан самарали фойдаланилади.

Амалий машғулотлар мустақиллик йилларида қад тиклаган обидалар, таъмирланган зиёратгоҳлар, музейларга ташриф уюштириш, маънавий мерос ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ жойларга, табиат қўйнига чиқиш шаклида ташкил этилади.

Мавзунинг мақсади: Маънавият асосларини ўқитишда маънавий-маърифий тадбирлардан фойдаланишнинг тегишли шарт-шароитларини асослаб бериш

Мавзунинг вазифалари:

- Маънавият асосларини ўқитишда маънавий-маърифий тадбирлардан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш;

- Маънавият асосларини ўқитишда маънавий-маърифий тадбирлардан фойдаланишнинг такомиллаштириш усулларини аниқлаш
- Маънавият асосларини ўқитишда маънавий-маърифий тадбирлардан фойдаланиш миллий, методологик, тарихий ва маънавий асосларини ёритиш;

Мавзунинг объекти: Маънавият асосларини ўқитишда маънавий-маърифий тадбирлардан фойдаланиш жараёни

Мавзунинг предмети: Маънавият асосларини ўқитишда маънавий-маърифий тадбирлардан фойдаланиш жараёнида воситалар, шакклари, методлар

Мавзунинг тузилиши: Ушбу курс иши кириш, 2-боб, 4-параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан ташкил топган. Курс ишининг умумий ҳажми 40 бетдан иборатдир.

1-БОБ. МАЪНАВИЯТ, УНИНГ ЖАМИЯТ ВА ИНСОН КАМОЛОТИДА ТУТГАН ЎРНИ

1-1-§. Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўлажак мутахассисни етук шахс бўлиб шаклланишига қаратилган педагогик ҳодиса.

Маънавият тушунчаси, предмети, мақсади ва вазифалари. Маънавиятнинг маъно-мазмунни, ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида турли фикр ва таърифлар. Президент Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида маънавият тушунчасига берган таърифи, унинг маънавиятнинг моҳиятини ўрганишдаги ўрни.

Маънавиятнинг предмети. Инсон ва жамият маънавий ҳаётини ўрганувчи фан. Унинг мақсади жамият маънавий тараққиётининг асоси эканлиги. Маънавият ва маърифат уйғунлиги. “Маънавият”нинг категориялари. Ўзликни англаш, билимдонлик, қалби тозалик, сахийлик, самимийлик, хайрихоҳлик, иймонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр-шафқатлилик ва бошқалар.

Маънавиятнинг ривожланиш қонуниятлари. Шахс ва жамиятнинг маънавий салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар. Шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари натижасида юзага келадиган қонуниятлар. Маънавият ривожланишидаги “таъсир” ва “акс таъсир” қонунияти.

Маънавиятнинг жамият тараққиётидаги ўрнининг ошиб бориши. Давлат сиёсатида маънавиятни юксалтиришнинг устувор соҳага кўтарилиши. Умуммаънавий юксалишнинг асосий мезонлари. Президент Ислон Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ва миллий-маънавий тикланиш ҳақидаги концепциялари Президент Ислон Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ҳақидаги концепцияси. Унинг жамият ва шахс ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб беришда методологик асос бўлишининг асосий сабаблари. Мамлакат миқёсидаги ислохотларнинг маънавий соҳадаги ислохотлар билан узвий олиб борилишининг зарурлиги.6

Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепцияси. “Миллий тараққиёт” ва “Миллий тикланиш” тушунчалари. Мамлакат ва жамият тараққиётида миллий-маънавий тикланишнинг устуворлиги. Жамият ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизлари. Миллий ғоянинг миллий-маънавий тикланишдаги аҳамияти. Ёшлар юксак маънавияти - миллий-маънавий тикланишнинг асосий омилларидан эканлиги.

Ҳозирги кун фан, маданият ва таълим соҳаларида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда, ислохотларнинг суръатлари тобора жадаллашмоқда. Бироқ ахборотлар асри талабларига мувофиқ ўзгараётган ҳаётимиз эҳтиёжлари жамият олдига янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун таълим ва тарбия тизимининг барча босқичларини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ислоҳ қилиш тадбирлари кўрилмоқда. Ҳозирги кун бу борада қилинадиган ишларнинг биринчи, иккинчи босқичи якунланиб, учинчи босқич бўйича ишлар амалга оширила бошланди.

Шахснинг, инсоннинг маънавий, руҳий камолоти таъминланмаса, жамиятнинг моддий-техник тараққиёти бир томонлама бўлади ва кутилган натижани бермайди. Руҳий ибтидо ёшлар қалбини юксак маданият ва ахлоқий фазилатлар билан бойитишга, уларнинг умуман миллатнинг руҳий-маънавий ростланишига ёрдам бериши керак.

Маданият гуманитар таълим ва тарбиянинг муҳим қисмларидан бири сифатида талаба-ёшлар руҳий оламининг шаклланишида, ҳаётий позицияларнинг мустаҳкалланишида, уларнинг ижтимоий фаоллигининг ўсиши ва ихтисослик билимлари ҳамда умумназарий тайёргарлигининг ошишида асосий воситалардан бири ҳисобланади. Инсоният томонидан тўпланган беҳисоб маданий бойликлардан баҳраманд бўлиш, уларни ўзлаштириш ёшларда гуманистик дунёқарашнинг ватанпарварлик, виждон, эътиқод, ор-номус, шаън, мардлик, жасорат, олийҳимматлик, фидоийлик,

инсонпарварлик каби қадриятларнинг шаклланишига ёрдам беради. Ёшларда бундай сифат ва фазилатларни тарбиялаш маориф ва олий таълим тизимида устивор аҳамиятга эга бўлиши керак. Зеро, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, сиёсатда, иқтисодда ва маънавият соҳасидаги ислохотларнинг тақдири ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ.

Узлуксиз таълим тизимининг барча талабаўқувчиларини Республикамизнинг тарихий шаҳарларига, дикқатга сазовор жойларига мунтазам равишда саёҳатлар уюштириб туриш, музейларга, кўргазмаларга, театрларга, концертларга махсус жадвал тузиб оммавий равишда олиб бориш, таълим муассасаларида уларнинг меҳнат ва уруш фахрийлари билан, замонамиз қаҳрамонлари билан, санъаткорлар, шоир-ёзувчилар, шифокорлар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, оналар билан давра суҳбатларини, учрашувлар ташкил этиш-булар ҳаммаси ёшларда миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш билан бирга уларнинг дунёқарашини янада кенгайтиришга, бойитишга умуминсоний савиясини оширишга ёрдам беради. Ўқув юртларида талабаларнинг қизиқишлари бўйича ташкил этилган турли хил тўғараклар, клублар, спорт секциялари, касб-ҳунар цехлари ҳам талаба-ёшларнинг уйғун ривожини учун яратилаётган шароитлардандир.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши муносабати билан унинг жамият тизимида сифат жиҳатдан туб ўзгаришлар содир бўлди. Республикада амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар жамиятнинг тубдан янгиланиши, қайта қурилиши учун муҳим замин яратади, шу жумладан, маданий соҳаларда ҳам, таълим-тарбия тизимида ҳам кенг ислохотлар ўтказиш имкониятлари вужудга келди.

1.2-§. Маънавий-марифий тарбия ишларининг вазифалари ва уларнинг олийгоҳ маънавий-маърифий ишлар блоклар бўйича фаолиятнинг йўлга қўйилиши

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида таълимнинг инсонпарварлик ва тарбиявий воситаларига, жаҳон таълим тизимининг ижобий тажрибалари ва ютуқларига диққат-эътибор кучайди.

Шунга кўра, айрим олиб борилган тадқиқотлар: Н.Э.Жумаеванинг¹ ҳамда О.Н.Ибодуллаеванинг² номзодлик диссертацияларида инсонпарварлик ғоясини шакллантиришнинг педагогик асосларини ва таълимни инсонпарварлаштиришда ўқитиш тамойиллари ва методларининг ўзаро алоқадорлигини ифодалаб беришган.

Таълимни(гуманитарлаштириш) инсонпарварлаштириш бўйича муҳим тадбирлар белгиланмоқда. Бироқ, бу ҳаракатлар муайян объектив сабабларга кўра тўсиқларга учраши ҳам табиийдир. Чунки, жамиятда пул-товар, мулкчилик муносабатларининг тубдан ўзгариши оммавнинг руҳий-психологик ҳолатида, унинг онги ва дунёқарашида жиддий ўзгариш ясайди, айрим ҳолларда шахснинг маънавий ахлоқий меъёрларининг бузилишига ва бунинг оқибатида инсонпарварлик тамойилларига тўғри келмайдиган омилларнинг содир бўлишига олиб келиши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда, ижтимоий-иқтисодий ўтиш шароитида, гуманитар туркумдаги фанлар кафедралари ишини таълимнинг кенг миқёсли, уйғун, инсонпарварлик вазифа ва мақсадларини бажаришга йўналтириш зарурати туғилмоқда. Айниқса, олий таълим муассасаларидаги ва тибий-илмий факультетлардаги ижтимоий-гуманитар кафедраларнинг илмий-педагогик имкониятларини янада ошириш, уларни етакчи ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш, ўқув юртларининг замон талабларига жавоб берадиган янги типдаги ўқув

¹Жумаева Н.Э. Умумий ўрта таълимни инсонпарварлаштиришда ўқитиш тамойиллари ва методларининг ўзаро алоқадорлиги. 13.00.01.пед.ф.н.ил.дар.олиш учун ёз.дисс.162б, Қарши, 2005.

²Ибодуллаева О.Н. Кичик ёшдаги ўқувчиларда инсонпарварлик ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари. 13.00.01.пед.ф.н. ил.дар.олиш учун ёз.дисс.НавоийДПИ, 2005.

кўлланмалари, дарсликлар ва ахборот воситаларига бўлган эҳтиёжларини кондиритиш навбатдаги муҳим вазифалардандир. Гуманитар соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш, бу соҳа профессорўқитувчиларини қайта тайёрлаш ишларини изчил олиб бориш зарур. Бу вазифаларни амалга ошириш учун айрим олий ўқув юртлари қошида гуманитар соҳалар бўйича илмийўқув марказларини ташкил этиш. Шунингдек, ўқув-услубий, илмий, таржима адабиётларини нашр қилишни йўлга қўйиш, таълим-тарбия муаммолари бўйича семинарлар, анжуманлар, учрашув ва давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказиб туриш мумкин. Бу йўналишларда ҳозирги кунда анча ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу ҳали ҳозирги даврнинг тобора ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига тўла жавоб бера олмайди.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, гуманитар таълимнинг равнақи, айниқса, унинг таълим муассасаларидаги техника ва табиий-илмий истиқболи қуйидагиларни назарда тутди:

1. Гуманитар ихтисосликлар бўйича мутахассислар етиштиришнинг сифати ва миқдорини ошириш. Бундай вазифани ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, муҳандис-менеджер, муҳандис-социолог, муҳандис-педагог, муҳандис-психолог ёки шифокор-педагог, ҳуқуқшунос-педагог ва шу каби йўналишларда амалга ошириш мумкин.

2. Таълимдаги тор соҳачиликдан фундаментал билимлар олиш йўлига ўтиш ва бунда асосий билимларнинг табиий-илмий соҳаларгина эмас, балки гуманитар соҳаларга ҳам оид бўлишига эришиш. Бу эса, ўз навбатида, битирувчиларнинг фаолиятини турли хил кўринишларига, турли хил машғулотларга тезда кўникиб кетишларига ёрдам беради.

3. Ҳар қандай табиий-илмий ва техника фанларини ўқитишга ҳам гуманитар мазмун касб этиш, бундай фанларнинг тарбиявий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-гуманитар, эколог салоҳиятини, инсонпарварлик хусусиятлари ва мазмунини очиқ кўрсатиш, бунда жаҳоншумул илмий-техника кашфиётлари, машҳур олимларнинг ҳаёти ва фаолиятидан

фойдаланиш мумкин (масалан, А.Сахаров, Ҳ.Абдуллаев, И.Мўминов, О.Шарафиддинов ва бошқалар).

4. Ўқитувчи шуни англаб етиш керакки, таълим ўз моҳиятига кўра гуманитар жараён, бу борада талабани таъқирлаш, камситиш ёки ҳуқуқларини чеклашнинг бирон бир кўринишига, ҳар қандай сабабга кўра, йўл қўйиб бўлмайди. Талабага баҳо, унинг масаласига қараб эмас, балки билими, малакаси, қобилиятига қараб қўйилиши зарур. Ҳар қандай талаба дунёқараш турини ўз эркича танлаш ҳуқуқига эгадир. Ўқитувчи шаънига иснод келтирувчи таъмагирлик ва порахўрлик каби иллатлар тамомила бартараф этилиши керак.

5. Ҳаёт ва жамият тараққиёти мантиқи кун тартибига қўяётган эҳтиёж ва заруратлардан келиб чиқиб ва уларга жавобан, таълим жараёнларига янги-янги ихтисосликлар, мутахассисликлар, янги йўналишларни мунтазам киритиб бориш ва халқ хўжалиги тармоқлари учун зарур кадрларни тайёрлаб бериш давр талабидир. Масалан, ҳозирги кунда мамлакатимизда юқори малакали социологлар ва психологлар, ҳуқуқшунослар ва сиёсатшунослар, тиббиётнинг, саноат ва муҳандисликнинг, қишлоқ хўжалиги, молия ва иқтисоднинг замонавий йўналишлари бўйича йирик мутахассислар керак. Уларни ўзимизда етарли даражада тайёрлаш учун ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимини бунга мослаштириш жараёнларини жадаллаштириш лозим.

Маънавий - маърифий ишларнинг жорий ҳолати қониқарли деб бўлмайди. Яъни бизнинг тарғибот - ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доирада қолиб кетаётганлиги, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаётганлиги, тажрибасиз айрим ёшларнинг онгига етиб бормаётганлигининг нақадар хавфли эканлигига махсус тўхталиш мумкин. Бунинг учун миллий тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислоҳатчи бўлишини эътироф этиб, мактаблар, лицей ва коллежларда бевосита маънавият масалалари билан шуғулланадиган мутасадди мутахассислар лавозимлари фаолиятини қўллаб қувватлашни йўлга қўйиш, барча таълим

муассасаларида болаларимизни онгини юксалтирувчи, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўғарақлар тузиш лозимдир.

Кўзланган мақсадни амалга ошириш учун ижтимоий - гуманитар фанлар ҳамкорлигида педагогика ва психология фанларига: Оила мафкураси ва уни шакллантириш механизмини ишлаб чиқиш, ўқувчи ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш, миллий дастурга маънавий-мафкуравий тарбия юзасидан қўшимчалар киритиш, ўқувчи ёшларни миллий ғоя, мафкура, ўзўзини англаш, қадриятлар руҳида шакллантирувчи миллий тарбия концепциясини ишлаб чиқиш, миллий мафкуравий курашнинг илмий-амалий тизмларини яратиш, халқимизнинг барча қатламлари хусусиятларини акс эттирувчи ва қамраб олувчи тарғибот-ташвиқот механизмларини ишлаб чиқиш, миллий маънавий ғоянинг янги илмий фалсафий талимини яратиш, кенгашлар фаолиятини услубий таъминлашлари керак бўлади.

Миллий тарбиянинг назарияси, услубияти ва ўқувчи ёшлар бирлашмалари тизмини, маънавият билан шуғулланувчи мутасадди лавозим профессиограммаларни ишлаб чиқиш, ўқувчи ёшлар уюшмалари ва уларнинг тизими ва фаолияти мазмунининг шакллари ишлаб чиқиш каби долзарб амалий вазифаларнинг ечимини топишни юклайди.

Баркамол авлодни вояга етказишда диний ақидапарстликнинг тарихий илдизлари, замонавий ҳолати ва унга қарши курашнинг назарий асосларига ҳам кўп боғлиқдир. Одамларимиз тафаккурида оғир кураш кечаётганидан огоҳ бўлиш лозимлиги, вазият - тарихий хотира ва миллий ўзликни англаш ва бу орқали барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қариши ғоя билан курашишнинг фалсафий, тарихий асосларини яратишни, инсон ҳуқуқлари миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бу эса фалсафа, тарих, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, социология ва бошқа фанларда янги дунё қараш ва янги тафаккур шаклланиш хусусиятларини ўрганиб, натижаларини ҳаётга тезроқ тадбиқ

қилишни, миллий ўзликни англаш жарёнини таҳлил қилиш, ғоявий кураш стратегияси ва техникаси, усул ва шакллари ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, «Ўзтелерадиокомпания» раиси саволларига жавоблари ва республикамизнинг бир гуруҳ тарихчи олимлари, шунингдек журналистлар, матбуотчилар ва адабиётшунос олимлар билан бўлган суҳбатларида, Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида ёшларимиз онгида миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, уларнинг маънавиятини миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида юксалтириш, ўтган минг йилликлар мобайнида аждодларимиз яратган шонли тарихимиз ҳақидаги ҳақиқатларни қайта тиклаш ва унинг мисолида ёш авлодни миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғулари руҳида тарбиялаш каби ғоялар, вазифалар таълим тизимининг ҳам олдида турган долзарб вазифаларга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил август ойида бўлиб ўтган IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқ ва соҳаларини юқори малакали ва эркин фикрловчи, маънавий жиҳатдан баркамол мутахассис кадрлар билан таъминлашга қаратилган тарихий муҳим ҳужжатлардир. Ўзлуксиз таълим тизими қайта қурилди: умумтаълим мактаблари, ўрта касб-ҳунар билим юртлири, олий таълим муассасалари ҳозирги замон талаблари ва мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари, манфаатлари нуқтаи-назаридан қайта ташкил этилди. Кўплаб университетлар, янги типдаги коллеж ва лицейлар барпо қилинди. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари бўйича янги-янги соҳалар, мутахассисликлар, йўналишлар ташкил этилди. Ўзлуксиз таълим тизимида оид барча фанлар бўйича давлат таълим стандартлари янгидан яратилди.

Барча ўқув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмалар давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб қайта тайёрланмоқда. Узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичлари бўйича педагогўқитувчиларнинг ихтисослик малакаларини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ишлар кенг миқёсда ва изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатни демократик асосларда қайта қуриш ва жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш – кўп қиррали жараёндир. Бунда таълим-тарбия тизимларининг ўрни, аҳамияти, шубҳасиз, жуда катта. Ўзининг кундалик тирикчилик ташвишларидан ортмай қолган, миллий-тарихий қадриятларидан, урф-одатлари ва қадимий анъаналаридан деярли бегоналашган, тор ихтисослик доирасида фикр юритиш ва фаолият кўрсатишдан чиқа олмаган, эркин ва ижодий фикр юритишдан маҳрум этилган «совет кишиси»нинг онги ва дунёқарашини ўзгартириш, қалбига, руҳига миллий ва умуминсоний қадриятлар нурини сингдириш, унинг бугунги тараққий этаётган маданий олам, эркин ва илғор фикрловчи инсонлар даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратишда таълим-тарбия тизимлари олдида катта ва кенг миқёсли вазифалар турибди. Бу, аввало, янги давр талабларига тўла жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашдир. Шу жиҳатдан қараганда, таълим-тарбия соҳасида назарда тутилаётган тадбирларнинг ғоявий-назарий асослари миллий мустақиллик ғояси билан чамбарчас боғлиқ.

2-БОБ. АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТИЗИМИ.

2.1-§.Мазкур тизимнинг талабалар фуқаролик маданиятини шакллантиришдаги фаолият йўналишлар

- таълимни инсонпарварлаштиришни таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш, бевосита фанлар бўйича ишлаб чиқилган ишчи дастурларда таълим-тарбия бирлигини таъминлаш;
- узвийлик ва узлуксизлик мезонларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқилган янги намунавий ўқув дастурларининг янги туркумини таълим амалиётига жорий қилиш.

Маънавият-бу кишини, эгаллаган фойдали билимлари (билим туридан қатъий назар), унинг ҳаётида такрорланавериши натижасида, кўникма ва малака босқичларидан ўтиб руҳига сингиб, унинг ҳаёт тарзига айланиб кетган босқичдаги ижобий ижтимоий сифатлардир. Демак маънавият асосини билим ташкил қилар экан, билим турларига мос равишда маънавият турларини санаб чиқсак бўлади. Буларга диний маънавият, ахлоқ ва одоб маънавияти, дунёни илмий билиш маънавияти, техник маънавият, касбий маънавият ва бошқалар киради. Ахлоқ ва одоб маънавияти инсон ижтимоий моҳиятини энг устки қаватини яъни, қобиғини ташкил қилгани учун, баъзилар маънавият деганда, кишининг ахлоқ ва одобга оид билимларини унинг ҳаёт тарзида акс этиши деб тушунишади. Бу маънавиятни тор маънода тушунишдир.

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қайд қилганидек: “ “Маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ҳоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлштириб, кенг маънодаги “маънавият” тушунчаси орқали ифода қилиш мумкин”!

Ҳақиқатан ҳам узлуксиз таълимни инсонпарварлаштириш жараёнида маънавий-маърифий ишларни тўғри белгилаш, ўқитувчи-талабалар онгига мустақил фикирлашни, турли мафкуравий ва маънавий таҳдидларга қарши курашиш туйғуларини сингдириш уларни келажакка тайёрлашда муҳим вазифадир. Ўз-ўзидан маълумки, халқ ва Ватаннинг келгуси истикболи, тақдири бугун мактабда таълим олаётган авлодга боғлиқ. Таълим-тарбиянинг мазмуни, савияси мамлакат иқтисодиёти, сиёсатининг оқибатини белгилайди. Шунинг учун ўз келажagini ўйлаган миллат, мамлакат маънавий - маърифий ислохотлар орқали маънавий етук авлодни вояга етказиш, улар учун замонавий шарт-шароитлар яратишни биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар деб қарайди. Ўтган қисқа даврдаёқ ҳар жиҳатдан баркамол, иймон - эътиқоди мустаҳкам, билимли, фидойи ватанпарвар кишилар Ватан истикболининг порлоқлигига замин бўлиши тобора аён бўлди. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз айтганларидек, “Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимиз тараққиёти ва истикболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири” - буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз . шундай экан, мустақиллигимизнинг истикболи, мамлакатимизнинг эртаси, буюк келажак яратиш йўлидаги дастурий мақсадларнинг пировард натижаси комил авлодни вояга етказишга, таълим - тарбия тизимида жиддий янгиланишларни вужудга келтиришга боғлиқ. Демак, биз мактаб ва ўқув юртларида таълим - тарбия мазмунини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириб боришимиз, ўзгартиримиз, ўқитувчилар савияси, педагогик маҳоратини тубдан яхшилашимиз орқали таълим- тарбия тизимини юксак даражага кўтаришимиз лозим бўлади. Ўқув дастурларидан тортиб, ўқув жараёнининг ички мазмунигача, ўқитувчиларимизнинг билим савияси, маҳоратидан тортиб, жамоатчилик ўртасидаги нуфузигача - барча-барчасида ислох

қилишга, янгича муносабат билдиришга эҳтиёж сезилиб туради. Президентимиз мактабнинг замона тараққиётидан орқада қолаётганлигини таъкидлаганлиги бежиз эмас. Бинобарин, мактаб ислоҳотига жиддий ёндашмаслик, у тараққиётдан орқада қолавериши билан мушкулларимиз ортганидан ортиб бораверади. Бунинг устига, одамларимиз ҳам аввалги одамлар эмас. Дастлабки йилларда аксариятимизнинг дунёқарашимиз, маънавиятимизга бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари акс таъсир кўрсатди. Натижада хусусийликни шахсийликка айлантириш, шахсий манфаат йўлида кўпроқ меҳнат қилиш, пулни барча муаммоларни ҳал этишнинг ягона воситаси деб қаровчи кишилар тез кўзга ташланади. Бу ҳол кўпгина ўспирин ёшларни бозор муомаласига тортаётганлиги маълум. Айрим нуронийларнинг “бозор болаларимизни бузди”, деган гапларининг тагида жуда катта маъно бор. Бундан ташвишланмаслигимиз мумкин эмас. Мактаб ислоҳотини изчиллик билан амалга ошириш орқали фарзандларимизни билимга, касб-хунарга ўргатишимиз жамият келажаги учун қайғурган ҳар бир кишининг муҳим вазифасидир.

Айтиш жоизки, таълим тизимини ислоҳ қилиш давр талаби эди. Ислоҳ заминида келажаги буюк давлат яратиш мақсад - муддаоси бор. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” ги Фармони, “Таълим тўғрисида” ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” улкан тарихий аҳамиятга эга.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг таълим соҳасида ўз дастури, концепцияси ва андозалари бўлади. Бу дастур ва концепциялар таълим тизимининг тўла ислоҳ қилиниши ва ўзига хос универсал модел яратиш ёки мукаммаллаштириш, мавжуд тизимлардан фойдаланиб, ўз таълим соҳасини ривожлантириш стратегияларини назарда тутишини тушуниш мумкин.

Давлатимизда ишлаб чиқилган дастур, гарчи миллий бўлсада, у умумий ва чегараланмаган таълим тизими, стратегияси ва моделлари,

андозалари талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилганлиги, чегараланмаган универсал тизим тарзидадир.

Чунки таълимни бутунлай ислоҳ қилишнинг зарурий шарт-шароитлари вужудга келади. Мустақиллик йилларида мамлакат тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари шакланди. Натижада фуқаролик жамиятини барпо қилиш омиллари яратилди. Айни пайтда тараққиётнинг ҳозирги тезкор суръати инсон шахси, онги, дунёқараши, қобилияти ва майлларини тезда камол топтиришни тақазо этаётганлиги ўз-ўзидан аниқ. Шунинг учун ҳам янги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш талабига мос малакали, етук маънавиятли, фидойи ва ватанпарвар мутахассис кадрлар тайёрлаш долзарб вазифага айланди. Бу вазифанинг муваққиятини таъминлаш учун махсус Миллий дастур яратиш кун тартибига қўйилди. Миллий дастур асосида таълимни тубдан ислоҳ қилиш учун бутун таълим-тарбия жараёнига истиқлол руҳи, Ватан туйғуси, миллат келажаги, жамият равнақи, комил инсонни вояга етказиш ғоялари сингдирилиб, ақлий-маънавий, ахлоқий-руҳий, жисмоний-ижтимоий баркамол авлоднинг ўсиб улғайишини таъминлашга қаратилган илмий-назарий, маърифий-моддий шарт-шароитларни рўёбга чиқариш кутилмоқда. Миллий дастур буюк келажак сари дадил қадам қўйган Ўзбекистонда янги авлодни тарбиялаш, одамларга муносиб фаровон турмуш шароитини яратишга йўналтирилган энг оқилона маънавий-ижтимоий, маърифий-мафкуравий муҳит барпо этиши табиийдир. Демак, кенг қамровли ва улуғ мақсадли Миллий дастур ишлаб чиқиш орқали таълим-тарбия тизимлари, мазмуни, педагогик асосларини янгилаш имкониятлари кучаяди.

Шу жараёнда ҳар бир шахсда миллий маънавиятни, миллий онг, миллий шуур, миллий туйғуни баркамолликка кўтариш омиллари фаоллик жараёнига кўчади. Бу улуғвор мақсадларни амалга ошириш учун жамиятимиз ўзининг реал имкониятларига эга. Аввало, озод ва мустақил Ватанда халқни фаровонликка етакловчи ва маълум маънода муносиб турмушни кафолатловчи шарт-шароитлар яратилди. Давлатимизда фидойи,

ишчан, ташкилотчилик салоҳияти баланд малакали кучлар улғайди. Улар сиёмоси, фаолиятида миллий маънавиятнинг барқарор мағзи, яратувчан кучи мавжуд. Миллий маънавияти барқарор шаклланган буднай кишилар ўз халқи, миллати, ватани манфаатини ҳар қандай шароитда ҳимоя қилади, ўз фаолиятида халқимизнинг миллий маънавиятини намойиш эта оладиган, миллатнинг салоҳиятини, Ватан кадри, шаъни, шухратини эллараро, давлатлараро кўрсата биладиган инсонлардир.

Таъбир жоиз бўлса, бундай кишиларда миллат тафаккурининг қаймоғи жамланган ва фаолиятида ривож топган бўлади. Шунинг учун ҳам ақлий, шуурий заковати етук, миллий маънавияти камол топган, Ватан ва миллат туйғуси қалбида жўш урган бундай шахслар бошқа маданиятларга рўбарў келганда ўзилигини йўқотмайди, ўзга маданиятлар таъсирига тушиб қолмайди.

Миллий дастурда қабул қилинган атамалардан, таълим тузилмаси тизимларида мавжуд бўлган структура ва терминлардан фойдаланиши зарур бўлган анъанавий усулдир. Аммо кадрлар тайёрлаш соҳасидаги миллий моделнинг тизимлари ва таркибий қисмлари турличадир. Фақат Ўзбекистоннинг ўзига хос, яъни кадрлар тайёрлашнинг миллий модели таркиби - бу шахс (субъект), давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш деб конкретлаштирилиши миллий дастурнинг ягоналигидир. Миллий дастурда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги, академик лицей ёки касб-хунар коллежларини танлашнинг ихтиёрийлиги ва уларда бепул, давлат ҳисобидан ўқитиш, билим бериш имкониятларининг яратилганлиги, дастурдаги умумийлик ва миллийлик, таълимнинг ижтимоий тараққиётда устувор деб эълон қилиниши, таълим демократияси, таълим олишнинг мажбурийлиги, истеъдодга берилаётган эътибор диққатга сазовор ҳисобланади.

Мазкур дастурнинг “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” сарлавҳали бобида келажакда ҳар жиҳатдан баркамол шахсни шакллантириш ҳақида шундай сўзлар ўз ифодасини топган: “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат

сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири-билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади”.¹

“Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар” бобида: “Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштирилиб борилади.

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар”.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида (1997) ҳам ёш авлоднинг маънавий ва маданий тарбиясига алоҳида эътибор берилган.

Ёшларнинг онги ва тафаккури ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Тафаккур ва онгимизда мустақиллик ғоялари мустаҳкамланмоқда. Дунёни, ўзимизни ва ўзлигимизни англаш имконияти қўлга киритилди. Бу ёшлар тафаккурини мустақиллик тафаккури талабларига мос шакллантирмоқда.

Бизга бобокалонларимиздан, динимиз, ўзбекона турмуш тарзимиз мерос қолган. Ана шунинг учун маънавий қадриятларга эътибор бериш, ёшларнинг мақсади ва орзу-умидларига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш жуда катта ижтимоий аҳамият касб этади. Чунки “Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва

маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. Ёш авлодга озод ва обод Ватанни мерос қолдирар эканмиз, улар мутафаккирларимизнинг, давлат раҳбарларининг улуғ ишларини давом эттиришларини ният қилар эканмиз, ёшларнинг маънавий уйғоқлигига аҳамият беришимиз лозим. Ғафлат уйқусидан уйғониб, ёрқин кўз билан келажакка назар ташлайдиган замон келади”.

Миллий дастурни амалга ошириш, турмушда қўллаш миллат тараққиёти, маънавияти ва маълумоти юксак билимли ёшларга боғлиқ. Акс ҳолда ёшларнинг манқуртлик ва фақат пулга сажда қилувчи арзон ишчи кучига айланиб қолиш хавфи туғилади. Миллатнинг истикболи арзон-гаровга ўз кучини сотадиганлар эвазига эмас, аксинча, моддий ва маънавий меҳнати, салоҳияти юксак кадрланадиган кишилар, ўз ҳаётини ижодий ва жамият тараққиётида ижобий роль ўйнайдиган меҳнат асосида қурган ёшларга боғлиқ. Келажакимизга умид ва ишонч катта. Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлиши учун шарт-шароитлар мавжуд: буюк тарих ва бой маънавий меросимиз бор. Жаҳоншумул аҳамиятга молик маданиятнинг ворисларимиз; ватанимизнинг иқлими, табиати, ажойиб ер ости ва ер усти бойлигимиз беҳисоб; халқимиз меҳнаткаш, ғайратли ва бардошли; кўҳна мамлакатимиз зўр интеллектуал салоҳиятга, бой ақлий меросга эга.¹ Бу маънавий неъматлар давлатимиз, мамлакатимизнинг тарихий илдизлари сифатида келажакда мўл-мўл маънавий ҳосил беришига шак-шубҳа йўқ. Буни ёшлар кадрлашлари, уни ривожлантириб, доимо бойитиб боришлари ўзларидан кейинги авлодга қолдириш туйғуси баланд бўлиши, шундай миллий ғурур ва ифтихор уларни янги-янги ютуқларга; илм-фан сирларини эгаллашга даъват этади.

Янги жамиятнинг мақсад ва идеалларига биноан янги авлод дунёқараши шаклланмоқда. Янги жамиятнинг қарор топиши ва ривожланиши, ўз навбатида, маънавий янгиланган, ривожланган ва шаклланган авлодлар руҳининг покланишини ҳам тақозо этмоқда.¹ Янги жамият аввал миллат орзусида, қалбида пишиб етилади. Сўнгра у объектив

реалликка айланган, кенг жамоатчиликнинг ҳаёт ва тараққиёт тарзини ифодаловчи ғоя тарзида қарор топди. Худди шу жамият етиштирган кишилар, кенг жамоатчиликнинг илғор дунёкараши ва тафаккурига зарурат сезади. Бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирининг тараққиётини белгиловчи ғоявий омиллар муштараклиги жамият ва мамлакатнинг миллий манфаатлари ва истиқболини кафолатловчи кучлардир. Ана шу маънода республикамизда қарор топаётган фуқаролик жамиятини ва бу жамиятда истиқомат қилувчи ёшларнинг онгини, дунёкарашини ўзгартириш ва инсонийлаштириш мақсадида ниҳоятда кўп ва хўп ижтимоий-тарихий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инсон эркинлиги ва озодлигини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Қатор университетлар ташкил этилиб, ўқув тизимимизда жаҳон андозалари, тарбия йўналишида маънавий меросимизнинг энг илғор ва инсонпарвар тамойиллари асос қилиб олинди. Давлат ва жамият қурилиши масалаларини ўрганиш юксак малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси ташкил этилди. Ватанимизнинг Қуролли Кучлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ўз уйи ва иш жойларида тинч-хотиржам бўлишлари бўйича чора-тадбирлар белгиланди; таълим тизимимиздаги ислоҳатлар замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинишига олиб келди; ёшларнинг билим ва салоҳиятларини юксалтириш мақсадида “Улуғбек”, “Умид”, “Устоз” ёки кейинчалик “Истеъдод” жамғармалари тузилди.

Миллий дастур мамлакатдаги таълим тизимининг ҳамма томонларини қамраб олганлиги, ҳозирги замон талаблари кўзда тутилганлиги, бозор муносабатларини ҳисобга олиб маркетинг, менежмент каби мутахассисликлар тайёрлашга аҳамият берилганлиги, янги дастурнинг ташаббускори шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти эканлиги ва уни Олий мажлис ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қўллаб-қувватлаганлиги билан алоҳидалик касб этади.

Вилоятлар марказларида маънавият маркази мажмуи, вилоят халқ хунармандчилиги, амалий санъат, ишлаб чиқариш, тижорат марказлари ва бошқа инсонлар хордиқ чиқарадиган жойлар қурилди. Барча шаҳар ва туманларда маънавият ва маърифат бўлимлари ташкил бўлди. Уларга асосан ўқитувчи, журналист, ижодкор ва сиёсатшунос малакали ходимлар бошлиқ этиб тайинланди.

Вилоятлар оммавий ахборот воситалари ҳам маънавият ва маърифатнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида мунтазам мақола ва кўрсатувлар уюштирдилар.

Республикамиз Президентининг китоблари ва нутқларида жойларда маънавий ва маърифий ишларни тубдан яхшилашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Ана шу дастурий йўналишлар бўйича изчил ва қатъият билан иш олиб бориш - энг муҳим вазифамиздир.

Давлатимиз истиқболини яратувчи маънавий етук, маърифатли, руҳияти баланд, жисмоний соғлом, вужудида Ватан туйғуси, истиқлол ғояларига садоқат руҳи жўш урган ёш авлодни вояга етказиш мақсадида барча имкониятлардан самарали фойдалана билишимиз даркор. Зеро одамлар маънавиятли, маърифатли бўлса, жамият фаровон, давлатимиз қудратли бўлади. Барча соҳаларда адолат, инсоф, диёнат, қонунийлик маданияти, сўз ва иш бирлиги ўсиб улғаяди.

2.2-§. Маънавий-маърифий тарбия тизимидаги блоклар фаолиятини амалга ошириш босқичлари

Ҳар қандай демократик давлатнинг ривожланишдан асосий мақсади – инсондир. Жамият тараққиёти эса нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилгани билан ҳам ўлчанади.

2010 йил мамлакатимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани муносабати билан қабул қилинган дастурни амалга оширишда соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ва маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, табиат ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқ масалалар муҳим устувор аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммаси моҳият эътибори билан инсон камолотига, унинг маънавий ҳамда моддий талаб-эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратишга қаратилган Инсон тараққиёти концепциясига батамом мос ва мувофиқдир.

Бугунги кунда Инсон тараққиёти концепцияси истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган ҳаётий қоида асосида ислоҳот жараёнларни амалга ошираётган мамлакатимизда барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказидаги устувор масалага айланмоқда. Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганлигини қайд этиш ўринли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари амалга оширилишининг бориши ҳақидаги маърузаларини эшитиб, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мамлакатни модернизация қилишга қаратилган демократик ўзгаришлар йўли юқори даражада самарали эканини таъкидлади. Чиндан ҳам, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги барча ислоҳотларимиз пировард натижада одамлар фаровонлигини муттасил ошириб боришга, мамлакатимиз ҳар бир

фукаросининг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятларни, соф экологик муҳитни яратишга қаратилгандир.

Кейинги 10 йил мобайнида давлатимиз томонидан юртимизда амалга оширилган барча кенг миқёсли ишлар БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари кенг кўламда бажарилишини таъминлади.

Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит мажбурий узлуксиз таълим тизимига ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва тизимли оширишга, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган махсус чора-тадбирларни кўриш имконини берди.

Мамлакатимизда умумий ва ўрта махсус таълим давлат томонидан қафолатланади. 7-15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга қамраб олиниши, шунингдек аҳолининг саводхонлик даражаси бугунги кунда юз фоизни ташкил этади. Бу эса БМТнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш соҳасидаги Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистон томонидан етакчи давлатлар қаторида бажарилаётганини тўла тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда юртимизда тиббий хизмат тизими амалда тўлиқ модернизация қилинди, аҳолига бепул юқори малакали шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган замонавий касалхоналар ва бўлимларнинг ихтисослаштирилган тармоғи ташкил этилиши ислохотларнинг энг муҳим ва амалий натижаси бўлди.

Жамоатчилик назорати жамиятнинг давлат билан самарали алоқасини таъминлашнинг, ўтказилаётган чуқур демократик ислохотлар, мамлакатни сиёсий-ҳуқуқий ривожлантириш мақсадлари ва устувор йўналишлари аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишининг, шунингдек, халқнинг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш ва фаровонлигини оширишнинг,

иқтисодийнинг рақобатдошлигини, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартига айланмоқда.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХИ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама етук шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2010 йил юртимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди.

“Баркамол авлод йили” давлат дастури мамлакатимиз ёшларининг барча гуруҳларини қамраб олади. Жумладан:

- соғлом фарзанднинг дунёга келиши учун “Соғлом она – соғлом бола” ғояси асосида бўлажак оналар саломатлиги бўйича ғамхўрликни янада кучайтириш;

- мактабгача таълим тизими асосини ташкил этган боғча ва яслиларда ўғил-қизларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш;

- умумтаълим мактабларида тарбия ва таҳсил олаётган ёшларимизнинг янада камол топишини таъминлаш, аниқ бир касбга бўлган қизиқишларини шакллантириш;

- ўрта махсус таълим тизими, яъни касб-ҳунар коллежларида касб маҳоратини ўрганиб, тарбия топаётган, академик лицейларда ўз билимларини янада чуқурлаштириб, таълим олаётган ёшларни замонавий касб-ҳунар соҳалари ва олий таълим муассасаларига тайёрлаш;

- олий таълим муассасида таҳсил олаётган ёшларни ўз йўналиши, мутахассислиги бўйича етук кадр сифатида катта ҳаётга тайёрлаш.

Маълумки, таълим соҳасидаги ислохотлар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг узвий ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов

таъкидлаганидек, «**Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қандай кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч хато бўлмайди**»³.

Бундан кўринадикки, эркин демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, юксак иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби пировард мақсадларга таълим соҳасини тубдан ўзгартирмасдан ва замонавий асосда қайта қурмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Таълимнинг бошқа босқичлари қатори олий таълим тизимини ҳам тубдан ўзгартириш мустақиллик давридаги таълим ислохотларининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997 йил 29 август) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури халқаро таълим стандартларини мамлакатимиз олий таълим тизимига жорий қилиш, юксак малакали замонавий кадрлар тайёрлашда миллий тажриба ва анъаналаримиз билан бирга илғор жаҳон тажрибасидан ҳам кенг фойдаланиш борасида янги уфқ ва имкониятлар очди.

Айнан ана шу ҳужжатлар асосида олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш, дарслик ва ўқув-услубий материаллар, педагог кадрлар билан таъминлаш, янгича фикрлайдиган ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини

³ Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш тадбирлари аниқ белгилаб олинди.

Олий таълимда бакалавриат ва магистратура тизими жорий қилинди. Жаҳон стандартларига мос бу тизим олий таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бу ҳақда алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: **«Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин».**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Президентимиз ташаббуси билан юзага келди. Бундай Дастур дунёда АҚШдан сўнг фақат Ўзбекистонда қабул қилинди ва бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги унинг афзалликларини тўла эътироф этиб, бизнинг бу соҳадаги тажрибаларимизни ўрганмоқда.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий жиҳатдан янги меъёрий-ҳуқуқий пойдевори яратилди. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш, уларни саралаш, аттестациядан ўтказиш, бошқарув ходимлари ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Маълумки, узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, энг аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сафланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Бугунги кунда, жаҳон моливий-иқтисодий инқироzi шароитида “Баркамол авлод йили” давлат дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағлари йўналтирилди. Жаҳонда ҳеч бир давлат ёш авлод камолоти учун бунчалик катта эътибор ва маблағ ажратмаган.

Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида замон талабларига мос келадиган самарали босқич ва шаклларни ўз ичига олган узлуксиз таълим тизими яратилди

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қаторида таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик хусусияти, таълим узлуксизлиги, умумий, ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, ўрта махсус, касб таълимининг, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи йўналишининг танлаш эркинлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра, соҳани тубдан ислох этиш ҳамда замон талаблари асосида шакллантиришда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тармоғининг яратилишига алоҳида эътибор қаратилди

Президентимиз томонидан таълим-тарбия жараёнига ёндашувда ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда ёш мутахассис кадрларнинг кенг дунёқараш, замонавий билим, кўникма ва малака билан бир қаторда жисмонан соғлом бўлиши ҳам энг муҳим талаблардан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Бунинг учун эса ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини мунтазам ва тизимли тарзда йўлга қўйиш алоҳида аҳамият касб этиши табиий, албатта.

Шунга кўра, шахсан Президентимизнинг ташаббусига кўра, Ўзбекистонда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида 3 бўғинли оммавий спорт мусобақалари тизими ишлаб чиқилиб, йўлга қўйилди. Умумий ўрта таълим

мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод», олий ўқув юрти талабалари ўртасида «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказиш таълим-тарбия тизимига киритилди.

Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, ўқувчи ва талаба ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортдан самарали фойдаланиш давлат дастурларида, норматив ҳужжатларда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги (2002 йил 24 октябрь) Фармони ва шу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар болалар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар шуғулланидиган спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги замонавий спорт иншоотлари бунёд этилишига замин яратди.

Жумладан, “2003-2009 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорт объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82 фоизи) қишлоқ жойлардадир. Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланиб келмоқда, шуларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади”⁴.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2010 йил 5 май // Халқ сўзи, 2010 йил 6 май.

Хулоса

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар кўп жиҳатдан мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари билан ҳамоханг тарзда олиб борилмоқда. Бунда асосий йўналишлар сифатида олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқув, ўқув-услубий ва илмий фаолиятни модернизация қилиш, таълим ва илмий тадқиқот жараёнларидаги инновацион йўналишларни кучайтириш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирлардан кутилаётган асосий мақсад юқори даражадаги интеллектуал салоҳиятга эга бўлган миллий мутахассис кадрларни тайёрлаш технологияси ҳамда таълимнинг мазмунини янгича босқичга кўтаришдан иборатдир. Бу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрлари ушбу жараёнларнинг аҳамиятини белгилаб берувчи ва мақсад сари йўналтирувчи дастуриламал бўлиб ҳисобланади: **“Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган ХХИ аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар”⁵.**

Маънавий-маърифий ишларнинг ташкилий-педагогик жиҳатларини кучайтириш, яъни ўтказиладиган тадбирларнинг таълимий тарбиявий таъсирларини уйғинлаштириш, узлуксизлигини таъминлаш, тадбирларнинг мақсад ва вазифаларини давр талаблари асосида белгиланишини йўлга қўйиш, уни амалга оширишнинг шакл, метод, воситаларини аниқ белгилаш, бошқача айтганда тадбирга технологик ёндашиш ўтказиладиган тадбирларни педагогик қоидалар, қонунятларга пўйсундирилишини йўлга қўйиш, яъни тадбирнинг мақсадга йўналганлиги, иштирокчиларнинг

⁵ Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

иждокорлик, мустақиллигини йўлга қўйиб ўйин, романтика, субъективлик ва ташаббускорликни рағбатлантириш каби принципга таяниш.

Маънавий-маърифий ишларнинг дарс машғулотларининг давоми сифатида ташкил қилиб, унинг йўналишини ўқув вазифаларини бажаришга бўйсиндириш узвийлигини таъминлаш ва педагогик раҳбарликни амалга ошириш лозим.

Мазкур имий-педагогик , ташкилий-методик ишлар тизимида қуйидагиларга таяниш мақсадга мувофиқ

-Олий ўқув юртларида аудоториядан ташқари маънавий-маърифий тарбия ишларини ташкил этишда

“Таълим тўғрисида”ги қонун, ”кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “давлат таълим стандартлари” талабларидан келиб чиқиш,

-фуқаролик маданияти шакллантирилаётган талаб шахсини олий ижтимоий қадрият деб билиш,

-ҳар бир талабанинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш ва ахлоқий –ҳуқуқий хусусиятларини эътиборга олиш,

-миллий анъана, қадрият ва урф-одатларга таяниш,

-талабаларнинг қизиқиш, хошиш ва имкониятлари мутаносиблигини қарор топтириш,

-профессор-ўқитувчилар, мураббийлар ва талабалар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини ижтимоий-ахлоқий қўллаб-қувватлаш муносабатларини шакллантириш лозим,

Шунинг учун олий ўқув юртларининг факультет, гуруҳ талабалари билан ташкил этилган маънавий-маърифий тарбия ишлари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин.

А)фан-маданият тўғараклари,

Б)маънавият соатлари ва маънавият кунлари,

В)миллий ҳунармандчилик ва техник иждокорлик тўғараклари ,

Г)спорт ва оммавий жисмоний маданият тадбирлари,

Д)давра суҳбатлари, экскурсия, матбуот анжуманлари,

Ж) турли танловлар, заковат клублари ва бошқалар ҳаётидаги тарбиявий ваолятини тўлдиришга, дунёқарашларнинг такомиллашувига, назарий билимларнинг амалиёт, ишлаб чиқариш билан узвий боғлашга замин яратиши қуйидаги масалаларни.

- талаба-ёшларда фуқаролик маданиятини шакиллантиришда халқ педагогикасининг мазмунида ўрин олган халқ оғзаки ижоди, халқ ўйинлари, қўшиқлари, миллий урф-одатлар, қадриятлар, маросимлар, диний таълумот намуналари, халқ меъморчилиги, ҳунарманчилиги, шарқ мутафаккирлари асарларини маънавий соатлари, ва маънавият кунларида мукамал ўрганиш ишларини амалга ошириш.

- ўқув-тарбия жараёнини, маънавий-маърифий тарбия ишлари билан уйғинлаштириш орқали талабалар жамоаларида онгли интизом, соғлом руҳий-маданий муҳит, илмий-ижодий вазиятни яратиш, талабаларда бурч ва маъсулиятга садоқатни тарбиялаш ҳамда улар фаолиятига илмий-маданий педагогик раҳбарликни амалга ошириш.

- талабаларда олийгоҳнинг ички тартиб-интизомга маъсулият билан риоя этишни кучайтириш, олий мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида кўрсатиб ўтилган фуқаролик жамияти асосларини шакиллантиришнинг етти устивор йўналишидаги масалаларни ҳал этиш жараёнига талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш.

- олий ўқув юртида тузилган маънавият ва маърифат марказининг факультетлардаги бўлимлари, турли йўналишда ташкил этилган клублар, тўғараклар билан ҳамкорликда талабаларни ўз-ўзини бошқариш ишларини амалга ошириш мақсадида турли тадбирлар ўтказиши ва ҳар бир талабалар гуруҳи жамоасида ўз-ўзига хизматни таркиб топтиришга маъсулиятини оширишни ҳал этишга қаратилади.

Маълумки, талаба тарбияси узлуксиз таълим даврий босқичларнинг якуни ҳисобланади. Шунинг учун олийгоҳ маънавий-маърифий тарбия ишларининг йўналишини талаба ёшларнинг мафкуравий, ғоявий-ахлоқий, маънавий-руҳий дунёқарашини шакиллантиришга қаратиш

мақсадга мувофиқдир.Чунки,бугунги талаба,бу эртанги муҳандис,врач ва зиёлидир.Агар мутахассис қанчалик ғоявий-сиёсий,маънавий-ахлоқий жихатидан чиниқиб,ижодий ва ижобий меҳнат қонун-қоидалари асосида яшашга ўрганса унда шунча мамлакатда оширилаётган ижтимоий-сиёсий,иқтисодий-маънавий ислохотларга фаол иштирок этувчи,унинг ривожланишига ҳисса қўшувчи шахс бўлади.

Мазкур тадбирлар фан ўқитувчилари билан гуруҳ мураббийлари ўртасида алоқадорлик бўлмаганлиги сабабли,талабалар дарс машғулотлари жараёнида ўзлаштирган маълумотларини маънавий-маърифий тадбирларнинг тарбиявий таъсирчанлигигига эътибор қаратилмайди,унинг натижалари инобатга олинмайди.Таълим муассасаларда ўтказилаётган тадбирлар юқоридан келган кўрсатма,тавсиялар асосида олиб борилади.Ҳар доим ҳам талабаларда ташаббускорлик,мустақиллик кўзга ташланмайди.Баъзи ҳолларда гуруҳ раҳбарларининг маънавий-маърифий тарбия ишларини ташкил қилиш бўйича педагогик психологик ва методик маълумотлар етишмаслиги натижасида маънавий-маърифий тарбия ишларининг замонавий педагогик технологияларини қўллай олмайдилар.Маънавий-маърифий тадбир натижаларини қайд қилувчи,ҳисобини олиб боровчи,дафтар гуруҳ раҳбарларида йўқ.Талабаларнинг тарбияланганлик даражалари деярли ўрганилмайди.Оқибатда аудиториядан ташқари ташкил этиб,ўтказилаётган тадбирларнинг тарбиявий таъсири суст,аудитория машғулотлари билан тадбирлар ўртасида мутаносиблик кўзга ташланмайди.Ҳолубки таълим ислохотлари ҳужжатларининг талабларига кўра кўра,таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий тарбия ишлари талаба ёшларнинг ўқув машғулотларида ўзлаштирган билимларини чуқурлаштиришга,уларнинг амалий йўналишларини кучайтиришга,талабаларнинг бўш вақтини мароқли,қувноқ,мазмунли ўтказиб,уларнинг дунёқарашини шахсий фазилатларини шакиллантиришга,талабаларнинг мустақиллиги,фаоллиги,ижодий тафаккурини ўстиришга ёрдам бериши даркор.Аммо,бунинг учун

мураббийлар тайёрлаш ва уларнинг умумпедагогик, умумметодик, умумкасбий таёргарликларини юксалтириш борасидаги ишларни талаб даражасида кўтариш ташкилий-педагогик тавсиялар, кўрсатмалар, йўлланмалар яратиш зарур. Гуруҳларда раҳбарлик қилаётганларнинг кўпчиликлари, фан бўйича мутахасис ҳисобланиб, улар педагогик-психологик маълумотлардан йироқ ҳисобланадилар.

Олий таълим муассасасининг «Камолот», Касаба уюшмаси, Хотинкизлар кумитаси, техник ижодкорлик уюшмаси, турли клублар, тугараклар, устоз - шогирд кенгаши, гуруҳ мураббийлари кенгаши фаолиятини мувофиқлаштириш.

Олийгоҳ маънавий – маърифий тарбия ишлари масканининг олийгоҳ ҳудудидаги тарбия субъектлари оммавий жисмоний тарбия ва спорт, Фан ва илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар, яъни туман (шаҳар) «Камолот» жамғармаси, маънавият ва маърифат вилоят, туман (шаҳар) кенгаши, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Оила» маркази, укув – тарбия жараёнини социологик, психологик ва педагогик куллаб – қувватлаш хизмати. «Маърифатпарварлар», «Тарихчилар», «Файласуфлар» жамиятлари, «Соглом авлод учун», «Истеъдод», «Амир темур», «Махалла», «Улугбек», «Олтин мерос» жамғармалари фаолиятларини уйғунлаштириш. Дин ва диний ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда тарбия тизимида мукаддас динимизнинг маънавий – ахлокий, гуманистик жихатларини урганиш, амалда куллаш ҳамда маънавий – маърифий тарбия ишлари жараёнидаги ижобий ишлар ва муаммоларни тезкорлик билан ёритиш орқали ёшлар онгига етказиш. Шунингдек, талабларнинг эркин, фаол, мустакил фикрлашларини доимий рағбатлантириб бориш.

Тадбирлар йуналишини шу куннинг муаммоларидан келиб чикиб умуминсоний ва миллий кадриятлар, миллий гоя, миллий мафкура масалаларини ёритиш орқали уларнинг тарбиявий таъсирини талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантиришга йуллаш.

Маънавий – маърифий тарбия тадбирлари жараёнида талабаларнинг ташаббускорлиги, ижодкорлиги, тадбиркорлиги, мустакиллигини йулга қуйиш воситасида талабаларнинг тулик фаоллигини йулга қуйиш ва шу асосда талабаларда ижодий камолот йулини таъминлаш

Олий укув юртларида маънавий – маърифий тарбия ишлари самарадорлигини ошириш, талабаларда фукаролик маданиятини шакллантириш тадбирларнинг мазмунини янада яхшилаш мақсадида тарбиявий таъсирлар мониторингини олиб бориш.

Маънавий – маърифий тадбирларни ташкил қилишда талабаларнинг қизиқиши, хохиши, иродаси, эҳтиёжини, билими ва тайёргарлик даражасига таяниш.

Таълим муассасаларида маънавий – маърифий тарбия ишларини бошқариш ва назорат қилишнинг назарий, ижтимоий – педагогик ва амалий методик асосларини ишлаб чиқиш ёрдамида фукаролик маданиятини шакллантиришнинг сифат ва самарадорлигини ошириш.

Олий таълим тизимида маънавий – маърифий тарбия ишларининг таъсирчан, натижали, ташкилий педагогик шакл, метод ва воситаларини яратиш ҳамда улардан уринли фойдаланиш орқали талабаларда фукаролик эътиқоди, фукаролик масъулияти, фукаролик мажбуриятини тарбиялашга эришиш.

Шундай қилиб, олий укув юртларининг аудиториядан ташқари маънавий – маърифий тарбия ишлари жараёнида талабалардан фукаролик маданиятини шакллантиришдан мураккаб педагогик вазифани ҳаёт этиш учун тарбиянинг самарали, тажрибаларда синаган шакл, метод ва воситаларини қўллаш талабаларнинг ижтимоий – иқтисодий, маданий – маърифий ҳаёт мазмунини теранроқ англашга ургата олди. Талабаларга келажакка ишончни, фукаролик эътиқоди, дунёқарашининг шаклланишига, фаолиятини миллий мафкура талаблари ташкил этишга, уларда ташкилотчилик, мустакиллик, ташаббускорлик, изланувчанлик, топқирлик, зукколик, мажбуриятга масъулият ҳисси билан қараш туйғуларни тарбиялай олди. Шунинг


аудиторияда бошланган бахс – мунозаларнинг маънавий соатларида давом эттирилишга, узгалар фикри билан хисоблаши лозимлигини, жамоа бўлиб яшаш, жамоатчилик фикрига кушилиш, унинг ижобий ва салбий томонларини аниклаш каби фазилатларнинг таркиб топишига асос булди.

1-Шакл

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲДА ИНСОНПАРВАРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ ОЛИБ БОРИШНИНГ НАМУНАВИЙ СТРУКТУРАСИ



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-19 жилдлар. Т. Ўзбекистон. 1996-2010.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

4. Каримов И.А. Буюк ва муқаддасан мустақил ватан. Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган маъруза. Т.: Ўзбекистон, 2011

5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: Ўзбекистон, 2011.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Республика “Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрельдаги Фармони.

2. “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 сентябрдаги Фармони.

4. “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 октябрьдаги Фармони.

3. “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 августдаги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сонли 2006 йил 25 августдаги қарори. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 2010 йил 5 май // Халқ сўзи, 2010 йил 6 май.

6. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. “Шарқ” нашрети, Тошкент, 1997

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Лафасов М. ва бошқалар. Мустақиллик ва маънавий-тарбиявий ишлар. Т.: “Молия ва иқтисод” 2008.

2. Бегматов А., Рустамова Р. Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий тадбирлар. – Тошкент, «Маънавият», 2007.

4. Аъзамов Қ., Жумаев Ш. Маънавият ва маърифат иши. Т.: 2006.

5. Зиёмуҳаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. Т.: “Тиб-Китоб”, 2009.

6. Тоғаев Ш. Ғоявий таълим-тарбияда фалсафанинг ўрни. –Т.:“СТАР-ПОЛИГРАФ”, 2010.

WEB ресурслар

1. <http://www.yuridlit.ru>
2. <http://www.allpravo.ru>
3. <http://www.troek.net/zakaz.htm.ru>
4. <http://www.lawbook.ru>
5. <http://www.books.ru>
6. <http://www.bookz.ru>